O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
JIZZAX VILOYATI
SHAROF RAZHIDOV TUMAN
HOKIMI
QARORI

Р Е Ш Е Н И Е
ХОКИМА
ШАРАФ РАШИДОВСКОГО
РАЙОНА
ДЖИЗАКСКОЙ ОБЛАСТИ
РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН

Manzil:130100. Uch tepa daxasi Mustaqillik ko`chasi Tel. 342-10-18. Faks. 342-10-18

«28» 09 2019 йил № 5543 *Ш.Рашидов тумани*

Шароф Рашидов тумани Ҳалқ таълими бўлими тасарруфидаги умумий ўрта таълим мактабларига микроҳудудларни бириктириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисида"ги Қонунининг 26, 27, 28, 30-моддалари талаблари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги "Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида"ги 140-сонли қарори билан тасдиқланган "Умумий ўрта таълим тўғрисида"ги Низом талабларига асосан умумий ўрта таълим мактаблари жойлашган худуддаги мактаб ёшидаги болаларни таълим муассасаларига тўлиқ жалб этиш, ушбу масалада умумий ўрта таълим муассасалари раҳбарлари ва педагогик жамоалари масъулиятини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й, 9-сон, 320-модда) 6-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Шароф Рашидов тумани халқ таълими бўлимининг тумандаги умумий ўрта таълим мактабларига микроҳудудларни бириктиришга оид 2019 йил 17 июндаги 01-266-сонли хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Шароф Рашидов тумани ҳудудида яшовчи мактаб ёшидаги болаларни ўқишга тўлиқ жалб этилишини таъминлаш мақсадида туман маҳалла фуқаролар йиғинлари кесимида туман халқ таълими бўлимига қарашли умумий ўрта таълим мактабларига бириктирилган микроҳудудлар 1-58-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Туман халқ таълими бўлими (Д.Носиров)га:

ушбу қарор асосида буйруқ қабул қилиш, унда туман ҳокимининг мазкур қарори билан тасдиқланган тегишли иловаларга мувофиқ маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган умумий ўрта таълим мактаби томонидан бириктирилган ҳудудда яшовчи мактаб ёшидаги болалар ва усмирларнинг барчасини уйма-уй юриш орқали рўйхатга олиш ишларини ташкил этиш;

ўқувчилар давоматини қатъий назоратга олиниши ва мактабдан сабабсиз кетиб қолиш холатларини олдини олиш;

жисмоний ва рухий ривожланишда нуқсони бўлган болалар ва ўсмирларни тегишли махсус таълим муассасаларида билим олишларига йўналтириш;

ҳар бир ўқув йили бошида мактаб микроҳудудига қарашли тегишли кўчаларга масъулларни бириктириш, улар томонидан ҳудуддаги 5-6 ёшдаги болаларни рўйхатга олиш ишларини ва уларни мактабга қамраб олинишини тўлиқ таъминлаш топширилсин.

4. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари О.Мелибоев юклатилсин.

5. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Туман ҳокими **З.Мирзаев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI JIZZAX VILOYATI SHAROF RASHIDOV TUMAN HOKIMI
UMUMIY BO'LIMI
ОБЩИЙ ОТДЕЛ